# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 8 январь, № 5 (6440) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## 2016 йил – СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар бир йилга ўзига хос ном бериш ва шу асосда Давлат дастурини қабул қилиш жараёнида, аввало, тиббий-ижтимоий чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлаётир.

# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР

Шу маънода, янги — 2016 йилнинг мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб номлангани ушбу эзгу анъананинг мантиқий давомидир. Бинобарин, давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир.

Бугун фахр билан айтамизки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ бу борадаги ишларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Тиббий хизмат тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича улкан саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айниқса, “Соғлом она — соғлом бола” дастури доирасида ҳаётга татбиқ қилинаётган амалий чора-тадбирлар халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилаётгани барчамиз учун қувонарлидир.

(Давоми 3-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

*7 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатасининг мажлиси кун тартибига киритилган масалалар дастлаб сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, уларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

Депутатлар **“Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**-ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мазкур қонун лойиҳаси донорларнинг бир марта олинадиган донорлик қони ҳажми меъёрини ва қон топшириш даврийлигини тартибга солиш, шунингдек, текинга қон топшираётган шахсларни қўшимча моддий рағбатлантириш йўли билан мамлакатда донорликни янада ривожлантиришга қаратилган нормаларни кўзда тутади.

Шундан сўнг депутатлар муҳокамасига **“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда тақдим этилди.

Мажлисда қайд этилганидек, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар айнан инсон омилини кучайтиришга, унинг манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида давлат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларининг ажралмас қисмидир.

Амалдаги қонун қабул қилинганидан буён 22 йилдан зиёд вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи, ушбу соҳада замонавий талабларни белгиловчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳужжатнинг мақсади қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштиришдан, ташкилотларда иш берувчининг ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятини оширишдан, махсус ваколатли ва бошқа давлат бошқаруви органларининг меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан тегишли назоратни таъминлаш борасидаги вазифаларини белгилашдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).



# Фуқаролик жамияти ва қонунчилик

Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, фуқаролик жамияти институти вакиллари, олимлар ҳамда журналистлар иштирокида муҳокама қилинди.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Юртимизда қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қатор қонуности ҳужжатлари фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтиришда, оммавий ахборот воситаларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги долзарб масалаларнинг самарали ечимини топишда, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда, фуқароларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Чирчиқ шаҳридаги офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 24 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб, “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● **Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “Экология: атрофимиздаги оламни ҳимоя қиламиз” мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Унда табиатни муҳофаза қилишда ёшларнинг ўрни, экологик муҳитни яхшилашда жамоат ташкилотларининг аҳамияти каби масалалар хусусида фикр-мулоҳаза алмашилди.**

● “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондига қарашли тиббий-ижтимоий марказда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Соғломлаштириш тадбирига УТТ шифокори, терапевт, эндокринолог, ЭКГ мутахассиси, педиатр, акушер-гинеколог, офтальмолог каби малакали шифокорлар жалб қилингани тиббий кўрикнинг юксак савияда ташкил этилишида муҳим ўрин тутаяпти.

● **Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан “Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда меҳнат, жамоа шартномаларини қонунда белгиланган тартибда тузиш, меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазаси ҳамда шунга оид масалалар ҳақида батафсил тушунчалар берилди.**

● Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театрида қишки таътил кунларида болаларга олам-олам қувонч улашиш мақсадида “Янги йил саргузаштлари” деб номланган театрлаштирилган томоша намойиш қилинмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# «ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ!»

Аввал хабар қилинганидек, жойларда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, “Камолот” ЁИҲ, Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида “Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!” шиори остида “Маҳалла — менинг тақдиримда” кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари юқори савияда ўтказилди.

## ТАНЛОВ





Хусусан, танловнинг **Самарқанд вилояти** босқичи иштирокчилари ўз истеъдод ва қобилиятларини яна бир бор намойиш этишди. Улар маҳалла ҳаётини ифодаловчи саҳна кўринишлари ҳамда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигига оид чиқишларини тақдим қилишди.

— Биласизми, бу тадбир ёшларимизнинг, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ва ўзи яшаётган маҳалла равнақига дахлдорлик туйғусини юксалтиради, қолаверса, уларни танлаган соҳаси ёки йўналишида етук мутахассис бўлишга илҳомлантиради, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Умаров. — Танловнинг асосий иштирокчиларидан ташқари, бу ерда уларни қўллаб-қувватлаш учун келган сафдошлари, маҳалла ёшлари ютуқларини тақдимотларда намойиш қилган ўғил-қизлар ўртасидаги самимий мулоқотлар ана шундай дейишга асос бўлади.

Якуний натижаларга кўра, Иштихон туманидаги “Қорақўйли” маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларни эса Каттақўрғон туманининг “Янгиобод” ва Булунғур туманидаги “Каптархона” маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоалари қўлга киритди.

(Давоми 2-бетда).

# Бағрикенглик ва инсонпарварликнинг эркин ифодаси

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

Хусусан, жиноят қонунчилиги изчил либераллаштирилаётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Ушбу саъй-ҳаракатлар моҳиятига инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари сингдирилгани, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш ҳамда уларни тўғри йўлга солиш кўзда тутилгани, айниқса, эътиборга молик.

Президентимиз тақдимномасига мувофиқ, 2015 йил 3 декабрда Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарор ҳам ушбу эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур қарор нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, айни чоғда миллий қадриятларимиз ҳамда мурувват ва инсонпарварлик каби фазилатларни ҳам ўзида мужассам этган. Жумладан, унда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет давлатлар фуқароларини жазодан озод қилиш назарда тутилганининг ўзиёқ унинг нечоғли бағрикенглик тамойилига мос эканлигини кўрсатиб турибди. Эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахслар ҳам жазодан озод қилиниши назарда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

# Ҳар бир кунимиз буюк тарих саҳифасидир

Катта хурсандчилик ва шодон кайфиятда 2016 йилни кутиб олдик. Бу қувончимизнинг сабаблари кўп: юртимиз тинч, бозорларимиз файз-баракали, маҳаллаларимиз обод ҳамда фаровон. Фарзанду набираларимиз ҳар куни ишдан, ўқишдан хушхабар билан келишади.

## ДИЛ СЎЗИ

Бири ҳамкасбининг янги лойиҳаси муваффақият билан амалиётга жорий этилаётганини гапирса, бошқаси ўқитувчисининг нуфузли танловда қатнашиш мақсадида хорижга таклиф қилинганидан фахрланади. Уларнинг сўзларига қулоқ тутиб, яйрайсан, беихтиёр шукроналар айтиб, шундай осуда мамлакатда яшаётганингдан фахрланиб кетасан, киши. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг Янги йил табригида таъкидланганидек, кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир воқеадир.

(Давоми 3-бетда).

## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармойишига мувофиқ, айни кунларда жойлардаги ҳарбий қисмлар, ташкилот ва таълим муассасаларида “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

# Мард йигитлар орзуси

“Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси!” мавзуидаги видеоконференция — шулардан бири. Унда муддатли ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этаяпти.

Олот туманидаги “Талқонсайёт” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўсиб-улғайган Муслимбек Жумақулов йигитлик бурчини Жиззах вилоятида ўтаётир. 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни олдидан уюштирилган “Бухоро — Жиззах” телекўприги у учун айни муддао бўлди. Муслимбек отаси Юнус Наврўзов билан экран орқали мулоқот қилди.

— Отажон, армия хизматини кўнгилдагидек адо этаяпман, — деди у. — Насиб қилса, ишончингизни оқлаб, ёруғ юз билан уйга қайтаман.

— Бугун жуда хурсандман, — деди, ўз навбатида, аскарнинг отаси. — Шундай қулай шарт-шароитларни яратиб берган Президентимизга раҳмат. Сизларга ҳарбий таълим сирларини ўргатаётган офицерлардан ҳам миннатдормиз. Бугунги сўзларингни тинглаб, ғурурланиб кетдим, ўғлим!

Телекўприкнинг иккинчи тарафи — Жиззахда ҳам бир гуруҳ аскарлар қаторида ота-оналарни кўриш мумкин эди.

— Ушбу тадбирда қатнашиб, ўғлим Пардабой билан дийдорлашдим, — дейди ўзини Нозигул Эгамназарова дея таништирган онахон. — Ҳарбий қасамёд қабул қилганида атайлаб Бухорога боргандик.

(Давоми 3-бетда).

# ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун лойиҳаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсияларини, 20 дан зиёд чет эл, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги норматив базани такомиллаштиришга қаратилган.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги долзарб масалаларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, бошқарувнинг бозор механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада, айниқса, хусусий секторда иш берувчиларнинг сони сезиларли даражада кўпайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56 фоиздан зиёдни ташкил этди ва ҳозирги вақтда бу соҳада аҳолининг 77 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда, — **дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Т. Каримов**. — Либерал-демократик партиянинг электоратини асосан иш берувчи бўлган тадбиркорлар ва фермерлар ташкил этиши ҳисобга олинса, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги амалдаги қонунни қайта кўриб чиқиш катта аҳамиятга эга бўлиб, янги таҳрирдаги қонун иш берувчининг ҳам, ташкилотлар ходимларининг ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш борасидаги масъулиятини кучайтиради, давлат бошқаруви органлари ва идораларнинг меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан лозим даражадаги назоратни таъминлашга доир функциялари ва вазифаларини аниқлаштиради.

— Қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида батафсил кўриб чиқилди, — **дейди Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси К. Тожиев.** — Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнат муҳофазаси жамият ривожини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан биридир. Ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик соҳаларида амалга оширилаётган ҳозирги ислоҳотларни, меҳнат бозоридаги бугунги кундаги тенденцияларни инобатга олган ҳолда, ушбу соҳадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш талаб этилади.

Мазкур қонун лойиҳаси меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, меҳнат шароитларини янада яхшилаш ва меҳнат учун меъёрий шароитлар яратишда, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Фракция аъзолари томонидан ўтказилган муҳокама чоғида қонун лойиҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳамда бошқа органларнинг меҳнат шароитларига риоя этиш устидан назорат қилинишини таъминлаш борасидаги функциялари ва вазифалари қонун лойиҳасида аниқ белгилаб қўйилгани таъкидлаб ўтилди, шунингдек, ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида фракция аъзоларининг қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятида фаол иштирок этишига доир қарор қабул қилинди.

— Қонун лойиҳасида иш берувчининг ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, хотин-қизлар, вояга етмаган шахслар, пенсия ёшидаги шахслар, шунингдек, меҳнат қобилияти чекланган шахсларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилган, — **дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси А. Аҳмедов.** — Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоатчилик назоратининг механизми қайта кўриб чиқилган, ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари кенгайтирилган, бу эса партиямизнинг сайловолди дастури қоидаларига мувофиқдир. Биз ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида ходимлар, хусусан, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган ходимларнинг ҳуқуқлари янада кенгайтирилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олишга ва уларнинг сонини камайтиришга хизмат қилади, бу эса ходимларнинг, жумладан, вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга олиб келади, бу ЎзХДП электорати манфаатларига мос келади.

— “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро талабларни ҳисобга олган ва хориж тажрибасини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган, — **дейди Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ў. Холов.** — Қонун лойиҳасида меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, меҳнат муҳофазаси ҳолатини экспертизадан ўтказиш тартибларини, иш берувчининг ҳамда ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи нормалар назарда тутилган. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги тўғри ташкил этилишини таъминлайди, иш берувчи ҳамда ходим учун меҳнат муҳофазаси бўйича талабларни давлат назорати органларининг қўшимча аралашувисиз бажаришга шароит яратади.

Фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда қабул қилинишини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлайди ва жойларда унинг кенг муҳокама қилинишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Парламентнинг қуйи палатаси аъзолари **“Табиий монополиялар тўғрисида”**ги ва **“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан ўз ишларини давом эттирдилар.

Қонун лойиҳасида давлат ва хўжалик бошқарув органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда хусусий мулк эгалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамоат бирлашмалари томонидан монополияга қарши давлат органи ва бошқа назорат органларининг қарорини (кўрсатмасини) ижро этишни тўхтатиб туришни сўраб нафақат суд органларига, балки бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ҳам шикоят қилиш ҳуқуқи кўзда тутилмоқда. Унга кўра, судга шикоят берилганида устидан шикоят қилинаётган қарорни ижро этиш суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатиб турилади. Ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектлари ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш орқали мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, депутатлар **“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Муҳокамалардан сўнг депутатлар қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқуллаб, биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмиталарга қонун лойиҳаларининг депутатлар, мутахассислар ва экспертлардан келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**

# Бағрикенглик ва инсонпарварликнинг ёрқин ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Амнистия актини қўллашда қонунбузарлик ҳамда суиистеъмолликка йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказилмаслигини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг буйруғи ҳамда фармойиши тайёрланиб, ижроси назоратга олинди.

Шу билан бирга, Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ мутасадди раҳбарлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъул вакиллари иштирокида кенгайтирилган семинар-кенгаш ўтказилиб, қарор ижросини таъминлашга қаратилган вазифалар белгиланди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди. Бундай тадбирлар ички ишлар ҳудудий органларида ҳам ташкил этилиб, ходимларга тегишли тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суд, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг қўшма фармойиши ишлаб чиқилиб, шу асосда барча минтақага мутасадди ходимлар бириктирилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу қарор ижроси доирасида 2016 йилнинг 5 январига қадар жазони ижро этиш тизимидаги муассасалардан бир минг икки юз нафарга яқин маҳкумлар жазодан озод этилди. Муҳими, бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, уларни тўлиқ ҳисобга олиш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ижтимоий муассасаларга жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ҳамда васийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш доимий эътиборда турибди. Бунда прокуратура, суд, ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари, соғлиқни сақлаш тизими, “Камолот” ЁИҲ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қўл келаяпти. Айни чоғда жойларда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан таркиб топган комиссиялар томонидан қарор ижроси билан боғлиқ турли тадбирлар ўтказилаётгани ҳам ишнинг самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жазодан озод этилган шахслар доимий яшаш жойига етиб боришини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, жамиятда кўникма ҳосил қилиши ва оилада ўзини тиклаб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, бепул даволаниш, паспорт олиш, иш ва ўқишга жойлашиш каби масалаларда, шунингдек, ушбу шахслар томонидан такрорий жиноят ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш борасида жамоатчилик билан ҳамкорликда қатор ишлар олиб борилаётир.

Шуларга мос равишда бундай шахсларни эл-юрт корига ярайдиган, чинакам инсонлар қилиб қайта тарбиялаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида уларнинг турмуш шароити чуқур ўрганилмоқда, соғлом турмуш тарзига тўсқинлик қилаётган муаммоларини бартараф этишга кўмаклашилаяпти. Зеро, инсонпарварлик тамойилидан кўзланган мақсад ҳам жиноят содир этган шахсларни ўз оиласидан, жамиятдан ва узлуксиз ижтимоий фойдали меҳнатдан ажратмаган ҳолда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда кенг жамоатчилик таъсирида уларнинг хулқ-атворини қайта шакллантиришдан иборатдир.

> Умуман олганда, ҳозирги пайтда Олий Мажлис Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори ижроси изчиллик билан таъминланмоқда.

**Зиёдулла ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.**

# Фуқаролик жамияти ва қонунчилик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда сўз олган депутатлар, олимлар ҳамда қўмита экспертлари қайд этганидек, юртимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ислоҳотларни амалга оширишда нафақат давлат билан тенг шериклик асосида иш юритмоқда, балки инсоннинг ҳуқуқ, эркинлиги ва қонуний манфаатлари ҳимоясида ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бундай фаолият Ўзбекистонда кучли ва адолатли фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун зарур муҳитни вужудга келтирган норматив-ҳуқуқий базага асосан амалга оширилаётир. Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 20 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Конституциямизда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишнинг муҳим элементи сифатида мустаҳкамлаб қўйилгани фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари янада ривожланишига катта туртки бўлди.

Тадбир қатнашчилари Президентимиз ташаббуси билан 2016 йил юртимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашди.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари жойлардаги бошқарув органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий тамойилларидан бири сифатида адолат тамойилларига амал қилишлари мақсадга мувофиқдир. Зеро, бу орқали қонун устуворлигига эришилади, демократик институтлар ва қадриятлар ривожланади, амалда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, энг асосийси, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси таъминланади.

Тадбир якунида фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# «ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ!»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Танловнинг **Қорақалпоғистон Республикаси** босқичида 16 та жамоа қатнашди. Унинг очилишида сўз олганлар таъкидлаганидек, юртимизда юксак маънавиятли, мустақил фикр ва чуқур билимга эга ёшларни тарбиялаш йўналишида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда сўнгги йилларда биргина Оролбўйида 153 та болалар спорти объекти, 16 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда 700 минг нафардан зиёд ёшлар, жумладан, 300 минг нафардан ортиқ қизлар спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётир.

Бунда ҳудуддаги 401 фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолларининг муносиб ҳиссаси бор. Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари комиссиялари, болалар тарбиясида ота-оналарнинг билим даражасини ошириш мақсадида ташкил этилган “Ота-оналар университетлари” ҳамда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми самарали фаолият юритмоқда.

Тадбир якунида Амударё туманидаги “Қиличбой” овул фуқаролар йиғини жамоаси ғолиб, деб топилди. Нукус туманидаги “Қрантов” ҳамда Қонликўл туманидаги “Орзимбет қум” овул фуқаролар йиғини жамоалари кейинги ўринларни эгаллади.

— **Андижон вилояти**да бўлиб ўтган кўрик-танлов саралаш босқичида ҳудудимизда мавжуд 868 та маҳалланинг уч ярим минг нафарга яқин ёшлари қатнашди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими бош мутахассиси О. Ибрагимова. — Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 37 та жамоа иштирок этган бўлса, вилоят босқичида 17 та жамоа куч синашди. Танлов низомидан келиб чиқиб, мактаблар, коллеж ва лицей ўқувчиларидан иборат жамоалар ўзлари яшаётган маҳаллалар ҳақидаги билимларини, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етук бўлиб камол топишида маҳалланинг тутган ўрни тўғрисидаги тақдимотларни намойиш этди.

Танлов ҳайъати хулосасига кўра, Хонобод шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маҳалла жамоаси муваффақият қозонди. Кейинги ўринларни Андижон туманининг “Гузар” ва Пахтаобод туманининг “Овушка” маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоалари қўлга киритди.

— “Тинчлик — тараққиёт асоси” деб номланган иншоимда Президентимиз асарларида илгари сурилган тамойиллар ҳаётий ифодасини акс эттиришга интилдим, — дейди танлов ғолиби, “Баркамол авлод” жамоаси вакили Д. Бахтиёржонова. — Тайёргарлик жараёнида ўзим истиқомат қилаётган маҳаллани яна бир бор кашф этдим. Танлов ҳақида фикр юритадиган бўлсак, биз бу ерда ўз билимимизни синовдан ўтказиш билан бирга, ҳар жабҳада илғор тенгдошларимиз билан дўстлашдик.

Ушбу танловда **Тошкент вилояти** ўқувчи-ёшлари ҳам фаол иштирок этди. Унинг маҳаллалараро босқичларида 974 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 3896 нафар ўғил-қиз қатнашгани ҳам буни тасдиқлайди. Туман ва шаҳар босқичларида эса 102 та жамоадан 408 нафар ёш иштирок этди. Муҳими, улар маҳалласи тарихини яхши билиши ва бугунги кунда ҳаётимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаётганини яққол намоён этди. Халқимиз тарихи, буюк аждодларимиз билан ғурурланиш ҳисси, “дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман” деган саъй-ҳаракатлар ҳақида ёзган иншолари ҳам ҳакамлар эътиборидан четда қолмади.




— Иншоимда маҳалламизнинг ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашдаги ўрни ва бугунги кундаги янгиликларни кўрсатдим, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси сардори А. Исоқов. — Масалан, кейинги йилларда бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари, уларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини таҳлил этишга ҳаракат қилдим. Бу эса ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Якунда Юқори Чирчиқ туманидаги “Навбаҳор” ва Ўрта Чирчиқ туманидаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоалари биринчи ҳамда иккинчи ўринларга лойиқ топилди. Учинчи ўрин Зангиота туманидаги Чинор маҳалласи ёшларига насиб этди.

— **Фарғона вилояти**да ўтказилган танловда ўқувчи-ёшларнинг нафақат ўз маҳалласи, балки ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги билимлари, уларга дахлдорлик ҳисси томошабинларда илиқ таассурот қолдирди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими раисининг ўринбосари Х. Исломова. — Мазкур танлов уларнинг бу борадаги билимларини янада бойитишга хизмат қилгани билан янада аҳамиятли бўлди.

Барча шарт бўйича юқори натижага эришган Марғилон шаҳридаги Увайсий номидаги маҳалла жамоаси ғолиб, деб топилди. Иккинчи ўринга Фарғона шаҳридаги Шодлик маҳалласи ҳамда Ўзбекистон туманидаги “Овчи” қишлоқ фуқаролар йиғини жамоалари лойиқ кўрилди. Учинчи ўрин Қўқон шаҳридаги Яланғоч ота маҳалласи жамоасига насиб этди.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган танловнинг **Сурхондарё вилояти** босқичида 14 та фуқаролар йиғини жамоалари баҳс олиб борди.

Унда қатнашган ёшлар азалий анъана ва қадриятларимиз, маҳаллаларда сақланиб қолган урф-одатлар ҳақида маълумотлар берди. Айни чоғда маҳаллалари номланиши, тарихи, унинг мазмун-моҳияти ҳақида кўргазмали чиқишлар асосида ҳикоя қилишди.

— Бўлиб ўтган танлов биз, ёшларда катта таассурот қолдирди, — дейди Термиз шаҳридаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси сардори, Термиз давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Д. Эшмуродова. — Бундай тадбирлар бизни она-Ватанимизни севиш, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Танлов якунига кўра, Термиз шаҳридаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қумқўрғон туманидаги Улуғбек номидаги ҳамда Шеробод туманидаги “Чағатой” маҳалла фуқаролар йиғини жамоалари кейинги ўринларни банд этди.

Танловнинг **Наманган**да ўтказилган саралаш босқичларида вилоятдаги 771 фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи жамоалари қатнашди. Улар орасида юқори натижага эришган 12 та жамоа вилоят босқичида баҳс олиб борди. Яъни улар учта шарт асосида беллашиб, ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла тарихи ва бугунги куни, баркамол авлодни тарбиялашда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми самараси тўғрисидаги тақдимотларини намойиш этди. Иккинчи шартда соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда маънавиятга оид савол-жавоблар орқали уларнинг билим ва дунёқараши синовдан ўтказилди. Сўнгги шартда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлар, “оммавий маданият” ниқоби остидаги хатарлардан асраб-авайлашда миллий қадриятларимизнинг ўрни хусусида ёзган иншолари баҳоланди.

Пировардида Учқўрғон туманидаги “Баланд кўприк” маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Наманган шаҳридаги “Байналмилал” ҳамда Тўрақўрғон туманидаги “Кужрон” маҳалла фуқаролар йиғини жамоалари кейинги ўринларни банд этишди.

— Танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида қадриятлар бешиги бўлган маҳалланинг унда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар тақдирида муҳим аҳамият касб этишини дилдан ҳис қилдик, — дейди ғолиб жамоа сардори Ж. Маҳкамов. — Бундай тадбирлар маҳалла ҳақидаги билимларимизни янада бойитиш билан бирга, биз, ёшлар маънавиятини мустаҳкамлаш, “Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик, эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган ҳаётий саволлар моҳиятини теран англаб, унга амалий ишлар билан жавоб беришимиз учун пухта замин яратди.

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган танловнинг **Қашқадарё вилояти** босқичида Президентимиз раҳнамолигида ёшларимизни юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, баркамол этиб вояга етказиш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида улар фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида қайд этилди. Бу вилоят босқичида баҳс юритган 14 та жамоа аъзолари билим ва зукколиги мисолида ҳам ўз ифодасини топди.

— Бундай тадбирлар ёшлар маънавиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими масъул котиби Ш. Каттабобоев. — Зеро, мазкур танлов ёшларни янги марралар сари руҳлантириш, маҳалла институтининг тарихини тизимли равишда ўрганиш, жойларда фуқаролар йиғинларининг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт ҳамда Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялари роли ҳамда аҳамиятини ошириш борасида тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Танлов якунида Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинги ўринлар Қарши шаҳридаги “Маҳаллот” ҳамда Косон туманидаги “Мудин” маҳалла фуқаролар йиғини жамоаларига насиб этди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди. Тадбир давомида таниқли ёш санъаткорларнинг чиқишлари танловга байрамона шукуҳ бағишлади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мана шундай пайтларда беихтиёр кечаги кунлар эсимизга тушади. Бундан 25 йил муқаддам оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи жуда юқори эди. Тиббий хизматнинг сифати паст, чекка ҳудудларда ҳатто оддий ташхис қўйишга ҳам шароитлар мавжуд эмасди. Масалан, ҳомиладор аёлга бемор сифатида қаралиб, турли керакли-кераксиз дорилар бериларди. Чақалоқ дунёга келгач, она ва болани бир-биридан ажратиш каби ёндашувлар бор эди. Ёки болага сўрғич бериш, гўдакнинг талабига қараб эмас, муайян вақтларда эмизиш тавсия этиларди.

Шукрки, халқимизнинг миллий қадриятларига зид бундай тамойилларга бутунлай чек қўйилди. Бола туғилган заҳоти она бағрига бериладиган бўлди. Чақалоқларни кўкрак сути билан озиқлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Ҳомиладор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш, туғуруқни қабул қилишда ҳам замонавий андозаларга таяниш муҳим мезон этиб белгиланди. Кенг кўламли умуммиллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига зарур шарт-шароитлар яратиш, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўтган даврда бевосита соҳага доир кўплаб қонунлар ҳаётга татбиқ этилгани, улардан бир қанчасига замон талабидан келиб чиқиб, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани бугунги кунда юртимизда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг ҳуқуқий асослари яратилганини намоён этди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшиланиши халқимиз ҳаёт даражасининг янада кўтарилишига олиб келди. Истиқлол йилларида одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта. Худди шунингдек, ўтган йили Ўзбекистон “Бутунжаҳон бахт индекси”да 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди ва янги уфқларни забт этишга ундайди.

Бинобарин, соғлом авлодни вояга етказиш нақадар муҳим, шу билан бирга, масъулиятли эканлигини нафақат соҳа ходимлари, балки аҳолининг барча қатламлари тўла-тўкис англаб етмоқда. Булар, шубҳасиз, “Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур”, деган ҳикматли иборага амал қилган ҳолда, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, жойларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина ҳаёт тарзимиз, турмушимизда содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларга аҳамият қаратишнинг ўзи кифоя. Мисол учун, ўтган асрнинг 90-йилларида ҳомиладор аёлларнинг аксарияти анемиядан, катта қисми унинг ўрта ва оғир формаларидан азият чекар эди. Бу нафақат оналар саломатлигига, шу билан бирга, болалар соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Ҳозир ушбу ҳолат яхшиланиб, юртимизнинг турли ҳудудларида анемия кескин камайди. Унинг бир қатор омиллари бор. Хусусан, туғуруқлар оралиғи 3 ва ундан кўпроқ йилга узайди. Бундан ташқари, эрта ёшдаги туғуруқлар камайишига эришилди.

Мутахассис қанчалик малакали ва тажрибали бўлмасин, агар унинг ишлаши учун етарли шароит йўқ экан, соҳада ривожланиш бўлмайди. Шу маънода, бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида ташкил этилган ихтисослаштирилган тиббиёт масканлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу каби марказларда ирсий хасталиклар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш



имконияти мавжуд. Перинатал марказларида эса ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини асрашга катта эътибор қаратилиб, ҳомиладорлик даврида муайян бир хасталик билан оғриган, муддатидан аввал туғуруқ хавфи мавжуд бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваришланаётир. Айни чоғда бир килограммдан кам вазнда туғилган жажжи гўдаклар буткул соғломлаштирилаётгани бахтиёр оналар сафини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга, турли аномалияли туғма хасталиклар жарроҳлик йўли билан муваффақиятли даволанаяпти. Мамлакатимизда Она ва бола скрининги фаолиятининг яхши йўлга қўйилгани, ўз навбатида, хасталикларни эрта аниқлаш имконини бераётир.

Бугун акушерлик ва перинатал ёрдамларини ҳудудийлаштириш ҳақида бемалол гапиришимиз мумкин. Бу нимани англатади? Авваллари ҳомиладор аёл саломатлигини тўла-тўкис текшириш учун пойтахтга келган бўлса, эндиликда республикамизнинг барча вилоятида скрининг марказлари мавжуд бўлиб, у ерда кўплаб аёллар ҳомиладорликнинг 12 ва 14-20 ҳафтасида текширувлардан ўтмоқда. Шунингдек, ҳудудларда перинатал марказлари ҳам изчил фаолият юритаяпти. Халқаро талаб ва андозаларга тўла мос келадиган бундай даволаш муассасалари фаолияти йўлга қўйилгани, аввало, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилганлиги, шунингдек, дилбандларимизни соғлом ва бақувват этиб тарбиялашга хизмат қилаётганлиги билан алоҳида қадрлидир.

Давлатимиз раҳбарининг “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди. Мазкур ҳужжат асосида юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техника базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар белгилаб берилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси фаолиятида ҳам ана шундай мақсадлар устувор аҳамиятга эга. Клиникада 2009 йилда ташкил этилган шошилинч ёрдам кўрсатиш қабул бўлими бемор болаларга тезкор ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтиришга муҳим ҳисса қўшаяпти. Ушбу муассаса “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, “Sen yolg‘iz emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида бемор болаларни даволаш бўйича ўтказилаётган акцияларнинг фаол иштирокчиси. Ходимлар малакасини ошириш борасида АҚШ, Германия, Исроил, Италия, Малайзия, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатлардаги клиникалар билан ҳамкорлик олиб борилаётганлиги натижасида даволаш сифати яхшиланмоқда.

Умуман, соҳада кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқдаки, уларнинг барчаси Президентимиз таъбири билан айтганда, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади, деган улуғвор ғояга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

**Гулираъно УСМОНОВА,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бош шифокори,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

**ҲАЙРАТ**

Истараси иссиқ, сўзга чечан, ҳар қандай суҳбатдошини лутфи билан ўзига ром қилиб оладиган кекса боғбон Хурсанд ота Қурбоналиевни Паркентда кўпчилик танийди. Саксон ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ҳамон тетик, тиниб-тинчимайди. Қирқ йигитнинг шижоати вужудига сиғмаётгандек, гўё.

# Боғбон мўъжизаси



Отахоннинг оиласи яшаётган Сой маҳалласидаги чоққина ҳовлининг этаги шундоққина қир-адирга туташиб кетган. Бир қарашда саксон беш дарагадан кам бўлмаган бунақа қияликда тик оёқда туришнинг ўзи қўрқинчли. Инсон иродаси, матонатига тан берингки, Хурсанд ота ана шу “оёқтурмас” жойда, шағалу тош ўрнида боғ яратган.

Албатта, қақроқ жойни ҳовучлаб сув ташиган билан обод қилиб бўлмайди. Кўпни кўрган қария буни жуда яхши биларди. Шунинг учун замонавий технологияларга таянди. Адл кўчатлар бўйлаб полиэтилен қувурларни ётқизиб, махсус агрегат ёрдамида сойдан сув чиқарди. Қарабсизки, томчилатиб суғориш усули шарофати туфайли кўчатларни бир текис кўкартиришга эришди.

Яхши гапнинг, хайрли ишнинг “қаноти” бўлади, дейишади. Хурсанд отанинг ташаббуси нафақат қишлоқда, балки бутун туманда овоза бўлиб, тезда оммалашиб кетди. Уфққа туташган ажиб мевазор эса, паркентлик ҳамкасбимиз Тўйчи Дўстматов таърифлаганидек, эл орасида “Осмондаги боғлар” деб атала бошлади...

Аслида, бугунги турмушимизнинг фаровонлиги, бозорларимиздаги файзу барака, ризқимизнинг бутунлиги мамлакатимизда Хурсанд ота каби асл соҳибкорларга, барча кекса отахонларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳар бир кунимиз буюк тарих саҳифасидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзим ўқитувчиман. Шу маънода, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапирадиган бўлсак, улкан ютуқлар қўлга киритилаётганини ҳар биримиз яхши англаймиз. Турли тадбирлар сабаб таълим муассасаларига борганимизда, Истиқлол меъмори ташаббуси билан маънавий меросимизни қайта тиклаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, улуғ боболаримизнинг хоки ётган жойларни муқаддас қадамжоларга айлантириш, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг номларини эъзозлаш, меросини ўрганишга оид кенг кўламли ишларга қўл урилгани, бундай ёруғ, дориламон кунларга минг машаққатлар эвазига эришилганини таъсирчан мисоллар ёрдамида атрофлича тушунтирамиз.

Президентимиз табригида “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган ҳаётий мулоҳазага алоҳида урғу берилган. Дарҳақиқат, айни дамда ҳар бир юртдошимизнинг турмуш тарзи, уларнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишларни кузатиб, 25 йил ичида босиб ўтган йўлимиз, чиндан ҳам, ҳавас ва ҳайратга арзийди, деб бемалол айта оламиз. Республикамиз, таъбир жоиз бўлса, бугун улкан қурилиш майдонига айланган. Қайси соҳага қараманг, жадал суръатлар билан иш бораётганини кўрасиз.

Айниқса, тараққиётнинг “ўзбек модели” хорижлик таниқли экспертлар, нуфузли молия муассасалари, халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан юксак эътироф этилаётганидан ғурурланамиз. Мана, масалан, кейинги йилларда бунёд этилган замонавий умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларию академик лицейларни олайлик. Уларни кўриб, кўзимиз қувнайди, дилимиз яйрайди. Негаки, бугунги таълим даргоҳлари аввалгилари билан солиштирилганда, ер билан осмонча фарқ қилади. Энди шу ўринда бир саволни ўзимизга берайлик: бу замонавий бунёдкорлик ишлари, ислоҳот ва ўзгаришлар ўз-ўзидан амалга ошдими? Ёки осмондан тушдими? Асло йўқ! Бунинг замирида катта меҳнат, юрт ва халқ тақдири, келажаги йўлида ўтказилган ҳаловатсиз кечалар, тинимсиз изланишлар, Юртбошимизнинг пухта ва оқилона сиёсати турибди.

Шу боис комил ишонч ва фахр билан айтамизки, бахтиёр фарзандларимиз юртимиз қандай улкан имкониятлар ҳамда ноёб бойликлар макони, азиз авлиёлар, буюк алломалар, олиму мутафаккирларга бешик бўлганини, биз қандай бетакрор мерос, қандай улуғ зотларнинг вориси эканимизни тушуниб етмоқда. Бу эса нафақат мамлакатимиз ёшлари, шу билан бирга, барчамизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, аксинча бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақли эканлигимизни ифодалайди. Зеро, ҳар бир кунимиз буюк тарих саҳифасидир.

**Бахтиёр КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.**

# Мард йигитлар орзуси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилганди. Бугунги тадбир байрам олдидан ўзига хос туҳфа бўлди. Ўғлимни, сафдошларини қутлуғ сана билан табрикладик. Бундан жуда хурсандмиз.

— Замонавий алоқа тизими воситасида ота-онамиз, яқинларимиз билан дийдорлашиш имконияти туғилганидан мамнунмиз, — дейди оддий аскар Фирдавс Бовмиров. — Жиззах туманининг Янгиобод маҳалласиданман. Ҳудудимиздаги Жиззах тиббиёт коллежида таҳсил олдим. Кейин эса мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотида ўқиб, ҳайдовчилик касбини эгалладим. Қуролли Кучлар сафида ўз бурчимни астойдил ўтаяпман. Мақсадим — келгусида олий ҳарбий таълим муассасаларидан бирида таҳсил олиш.

Шу куни Жиззахда ўз бурчини ўтаётган бухоролик йигитларнинг қадрдонлари билан, шунингдек, жиззахлик аскарларнинг Бухорода туриб ота-оналари билан ўтказган видеомулоқоти ҳаяжонли онларга бой бўлди.

Тадбир сўнггида аскарлар ва уларнинг ота-оналарига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Тошкент ҳарбий округида ўз йигитлик бурчини ўтаётган Сурхондарё вилоятилик аскарлар ҳам ота-оналари билан экран орқали суҳбатлашдилар. Ўз навбатида, иштирокчилар ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

— Миллий армиямизнинг нуфузи ва салоҳияти тобора ошиб бормоқда, — дейди Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Миразимжон Мирбобоевнинг онаси Моҳигул Мирбобоева. — Ҳозирги кунда ҳарбийлик либосини кийиш, шу соҳада хизмат қилиш ҳар йигитнинг орзусига айланган. Менинг фарзандим ҳам Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш орзусида эди. Мана, бугун у Ватан олдидаги бурчини адо этмоқда. Бундан жуда фахрланаман. Чунки миллий армиямиз ёшлар учун чинакам ҳаёт мактабидир.

— Ҳар икки вилоятда аскарлар ва уларнинг яқинлари билан бўлиб ўтган мулоқот муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар учун унутилмас дамларни тухфа этди, — дейди подполковник Исроил Собиров. — Келгусида бундай тадбирларни изчил ташкил этишни режалаштирганмиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

ЭЪЛОНЛАР

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2015 йил 17 ноябрдаги 1-5918/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бердақ кўчасида жойлашган, юридик ҳужжат бўйича ер майдони 426 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 59,60 кв.м. дан иборат бўлган 48-уй (ҳовли) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 9 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

27А/6

Хизматлар лицензияланган.

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**I.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** 2009 йил 30 июндаги 11-0810/24478-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Янги ҳаёт қўрғонида жойлашган (майдони 20,0 кв.м. бўлган қоровулхона биноси, майдони 87,77 кв.м. бўлган бостирма, майдони 250,20 кв.м. бўлган маъмурий бино) бино ва иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 479 170 000 сўм.***

**2.** 2015 йил 14 сентябрдаги 1-1116/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Истиқлол» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 154,96 кв.м.дан иборат бўлган нотурар бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2015 йил 11 сентябрдаги ҳукмга асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, М. Ортиқов кўчаси, 50-уйда жойлашган, ер майдони 814,0 кв.м. бўлган тураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 10 февраль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 8 февраль куни соат 16.00. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй.**
**Телефон: (0-371) 254-69-13.**

11А/24

Хизматлар лицензияланган.

**«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ**

**томонидан 2015 йил 28 декабрь куни ташкил қилинган аукцион савдолари натижаси тўғрисида маълумот.**

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 13 декабрдаги № 239 (6422)-сонида чоп этилган эълон бўйича Суд ижрочилари Жондор тумани бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган аукцион савдоларига чиқарилган, Жондор тумани, “Навработ” ҚФЙ, Янги обод қишлоғида жойлашган “Жондор Мега текстиль сервис” МЧЖ балансидаги, бошланғич баҳоси 622 647 778 сўмлик тўқув-йигирув ва ишлаб чиқариш цехи, жами 17 турдаги бино-иншоотлар 660 380 000 сўмга сотилди.

*Хизматлар лицензияланган.*

28А/14

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатлари (ТИА, бизнес-режа)ни ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадор ва саноат соҳасида татбиқ этишда истиқболли, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

*Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.*

**Батафсил маълумот учун тел.:**
**(+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**

**Web-site: www.ffpd.uz;**
**E-mail: pdf.fund@gmail.com**

**Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

30R/160

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, иқтисодиёт тармоқларида кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари туфайли аҳоли турмуш даражаси тобора фаровонлашиб бораяпти. Бу Президентимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ илгари сурилган "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган эзгу ғоянинг амалий самарасидир.*

*Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда республикамиз молия-банк тизими ҳам муносиб иштирок этмоқда. Яъни ушбу мақсад йўлида банк тизими молиявий хизмат кўрсатишнинг барча жабҳасида замон талабига мос фаолият юритаяпти.*

*Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида айрим давлатларнинг бир қатор йирик банклари таназзулга учраб, банк тизими барқарорлиги сезиларли даражада пасайди ва мазкур жараён ҳамон давом этмоқда. Юртимизда эса ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли бу каби ҳолатларнинг олди олинаяпти. Кўплаб мамлакатларнинг тижорат банклари халқаро рейтинги туширилаётган ҳозирги мураккаб шароитда, Ўзбекистон банк тизимининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бир вақтнинг ўзида самарали банк назоратининг жорий этилганлиги сабабли у иқтисодиётнинг таянч нуқтасига айланиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Жумладан, поёнига етган йилда республикамизда иқтисодиётнинг барча тармоғи қаторида банк тизимида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Яъни молия муассасаларининг жами капиталида аввалги йилдагига нисбатан 24,8 фоиз ўсиш кузатилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижроси таъминлангани, тизим Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан самарали бошқарилаётгани муҳим омил бўлди.*

*Соҳада амалга оширилаётган бундай ижобий ўзгаришлар муваффақиятлар давомийлигини таъминлаш баробарида, унинг халқаро доирадаги мавқеини оширишга ҳам хизмат қилаётир. Масалан, дунёнинг нуфузли "Стандарт энд пурс", "Фитч рейтингс", "Мудис" каби рейтинг агентликлари юртимиз банк тизими фаолиятини ҳар йили "Барқарор" дея тасдиқлаб келаётган бўлса, Халқаро молия корпорацияси ҳамда Жаҳон банкининг бизнесни юритиш бўйича 2016 йилга мўлжалланган ҳисоботида Ўзбекистон кредитлаш соҳасида жаҳоннинг 189 та давлати орасида 105-ўриндан 42-ўринга кўтарилди. АҚШнинг "Global Finance" журнали томонидан берилган рейтинг баҳосига кўра эса, дунё Марказий банклари орасида юртимиз Марказий банки янада юқори рейтингга эга бўлди. Қолаверса, ушбу жабҳада олиб борилаётган ислоҳотлар халқимиз томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Буни "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида мунтазам равишда ўтказилаётган сўровлар натижаси яққол тасдиқлаб турибди.*

*Дарҳақиқат, марказимизнинг бундай ўрганишлари, ҳар бир сўров таҳлиллари омма эътиборига кенг ҳавола этилаётгани тизимнинг ютуқ ҳамда камчиликлари ҳақида ҳаққоний фикр айтиш ва келгуси режаларни белгилаб олиш учун катта имконият яратмоқда.*

## Ижтимоий фикр:

# Банк тизимидаги ислоҳотлар иқтисодиётимиз барқарорлиги ва турмушимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда

### Кафолатли ва ишончли

Яқинда ана шундай сўровлардан навбатдагиси ўтказилиб, у банкларнинг 2015 йилдаги фаолиятига бағишланди. Мазкур тадқиқот қатнашчилари эса турли йўналишда фаолият юритаётган ишбилармонлар, оилавий бизнес вакиллари ва ёшлар бўлди.

Респондентлар ишбилармонликнинг деярли барча тоифаси (оилавий тадбиркорлик, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ҳамда микрофирмалар) орасидан танлаб олинди. Яъни унда юртимизда фаолият кўрсатаётган микрофирмаларнинг 18,2 фоиз, кичик корхоналарнинг 25,1 фоиз, якка тартибдаги тадбиркорларнинг 29,5 фоиз, деҳқон хўжаликларининг 6,2 фоиз, фермер хўжаликларининг 11,2 фоиз, оилавий тадбиркорлик субъектларининг эса 13,3 фоиз вакили иштирок этди.

Диққатга сазовор жиҳати, "Банк тизимида давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга яратилган имконият ҳамда имтиёзлар борасида амалга оширилган ишларга қандай баҳо берасиз?" деган дастлабки саволданоқ уларнинг ушбу йўналишдаги қарашлари ойдинлашди. Яъни 98,3 фоиз респондент бу борада ижобий фикрда эканлигини маълум қилган.

Сўровни ўтказиш жараёнида, шунингдек, "Мамлакатимиздаги қайси тижорат банкларининг фаолияти эътирофга лойиқ?" деган саволга Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Агробанк", Халқ банки, "Микрокредитбанк", "Асака" банки, "Қишлоқ қурилиш банк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Азия альянс банк", "Ипотека-банк", "Ориент финансбанк" ва "Трастбанк" филиаллари ҳудудларда кўпроқ эътиборга молик, деган жавоб олинди.

"Ушбу банкларнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?" саволига эса 97,8 фоиз қатнашчи ижобий баҳо берган. Бунда, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркорлар фаол қатнашгани диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, "Банк фаолиятидан мамнунмисиз?" деган саволга 98,2 фоиз респондент банк ходимлари томонидан "Амалий кўмак, маслаҳат бериш ва муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатилади", "Омонатларни сақлаш бўйича барча ишлар ўз вақтида бажарилади", "Белгиланган тартибга тўла амал қилинади, қонунбузилишига йўл қўйилмайди" каби жавобларни берди.

### Кредитлар — эзгу ниятлар рўёбига

Тадбиркорларнинг асосий қисми — 98,8 фоизи микрокредитни тижорат банклари орқали олиш энг ишончли эканини кўрсатди. Муҳими, бу ишонч тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Чунки молиялаштиришнинг мазкур усули нафақат ишбилармонлар фаолияти кенгайишида, балки ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, аҳоли турмуш фаровонлиги ҳамда бандлигини таъминлашга хизмат қилаётганини мамнунлик билан эътироф этган.

Тадбиркорлар орасида ўз фаолияти давомида банклар кредитидан самарали фойдаланиб, кўзлаган мақсадига эришганлар ҳиссаси ҳам анча юқори — 98,2 фоизни ташкил этди.

— Тиббиёт пахтаси, бинт ва шприц ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз буюртмачилари сафи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди "Бахттекс Фарм" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қўзивой Ўроқов. — Бундай даражага эришишимизда "Ўзсаноатқурилишбанк"дан олинган 12,8 млрд. сўм миқдоридаги кредит қўл келди. Чунки ушбу маблағ туфайли нафақат тадбиркорликни бошлаб олдик, балки 70 нафар ёш йигит-қизни муқим даромадли ишга жалб қилдик.

Якунланган йилда 2,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Банк ёрдами билан ана шундай юқори натижаларни қўлга киритаётган эканмиз, бунинг учун молия муассасаси мутасаддиларига миннатдорлик билдирамиз.

Сўровда тадбиркорлар банклар томонидан ажратилаётган микрокредитлар аҳамиятини ҳам алоҳида қайд этишди. Яъни респондентларнинг 98,3 фоизи "Ажратилаётган микрокредитлар аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиб, уларни иш билан таъминлашда асосий роль ўйнамоқда", деган жавобни беришди.

Шунингдек, 97,4 фоиз иштирокчи "Микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка ва қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантиришга керак бўлган бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратмоқда", деган фикрни билдирган бўлса, 97,3 фоиз қатнашчи "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга микрокредитлар бериш бўйича бир қатор қулайлик ҳамда имтиёзлар яратилганлиги аҳолини, хусусан, аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашида бош омил бўлмоқда", деган хулосага келган.

"Банкдан кредит олиш жараёни ва бу борада қўйилган талабларга қандай баҳо берасиз?" саволига эса 98,8 фоиз респондентдан "Кредит олиш тартиблари содда, таъминотга қўйилган талаблар тадбиркор учун жудаям қулай, шунинг учун ажратилган сармоя эвазига ҳеч бир қийинчиликсиз қисқа муддат ичида бизнесни бошлаш имконияти мавжуд" жавоби олинди.




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бундан ташқари, "Банкда ташкил этилган тадбиркорлар хонаси талаб даражасидами?", "Банк тизимидаги "Ишонч телефонлари"нинг ишлаш ҳолати сизни қониқтирадими?" саволларига мос равишда 98,9 ва 98,1 фоиз қатнашчи ижобий фикр билдирган.

"Кредит олишда ўрнатилган фоиз ставкалари сизни қониқтирадими?" деган саволга 98,5 фоиз иштирокчи "Банкларда ўрнатилган фоиз ставкалари тадбиркор учун мақбул даражада" мазмунида жавоб қайтарган.

— Давлатимиз раҳбарининг юритаётган оқилона сиёсати туфайли юртимизда тадбиркорлар улкан марраларни забт этмоқда, — дейди "Viget Impex" корхонаси раҳбари Жамшид Султонов. — Бунда, табиийки, тижорат банкларининг кредитлари қўл келаяпти. Айниқса, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга туширилгани ишимиз ривожида катта ёрдам бермоқда.

Мисол учун, бизга "Ипотека-банк" томонидан мева-сабзавотларни қайта ишлаб, уни қадоқловчи технология сотиб олиш учун мақбул фоиз ставкасида 3 млрд. сўмлик сармоя ажратилган эди. Ундан самарали фойдаланиб, қисқа фурсат ичида 10 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга улгурдик ҳамда унинг 6 млрд. сўмлигини ички бозорга, 4 млрд. сўмлигини эса хорижлик харидорларга етказиб бердик. Тадбиркор учун энг муҳими — маблағни тўғри сарфлаш. Шундагина у муваффақиятга эришаверади.

Тадқиқот натижаларидан тижорат банклари ходимлари томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлаш жараёнида мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ортиб бораётгани ҳам маълум бўлди. Ушбу йўналишдаги ишлардан респондентларнинг 97,6 фоизи мамнунлигини билдиргани бунинг яққол тасдиғидир.

Бундан ташқари, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили амалда ўзини оқлаяптими?" саволига 98,8 фоиз респондент "Банк тизимидаги ислоҳотлар иқтисодиётимиз барқарорлиги ва турмушимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда", деган жавобни бергани ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилаётганини англатади.

### Ёшлар ва аёллар — доимий эътиборда

Шу ўринда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича билдирилган фикрларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, сўровда иштирок этган ёшларнинг 98,2 фоизи "Банк тизими бизнинг яқин ҳамкоримизга айланган, уларнинг ёрдами билан тадбиркорга айланиб, ўз ўрнимизга эга бўлаяпмиз, шунинг учун ҳам банклар хизматидан кўнглимиз тўқ", деган жавобни берди.




Сўровда қатнашган 98,7 фоиз хотин-қизлар эса "Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда юртимиз банклари бизга мададкор бўлмоқда, банкларнинг имтиёзли кредитлари туфайли муваффақиятга эришиб, маҳсулотларимизни нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам сотиш имконияти кенгаймоқда", деган тўхтамга келган.

Қолаверса, марказимиз томонидан ўтказилган сўровларда ҳудудлар саноат салоҳиятини юксалтириш ҳамда инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Натижада "Ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳалар ўз вақтида молиялаштирилаяптими?" деган мурожаатимизга 97,8 фоиз респондентдан ижобий баҳо олинди.

— Чиндан ҳам, ҳудудлар ривожида банкларнинг ўрни беқиёс, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Нигора Раббимова. — Масалан, 2015 йилда молия муассасалари томонидан вилоятимизда саноат салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган 458 та лойиҳага 220,2 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилиши натижасида 8000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Қолаверса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 634 та хонадонли 23 та кўп қаватли тураржой қурилиб, ушбу уйларни сотиб олиш учун 34,3 млрд. сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Банклар ташаббуси билан 3 та "Камолот" уйи қад ростлаб, ёш оилаларга топширилди. Қувонарлиси шундаки, ушбу уйларни сотиб олиш учун кредитлар 20 йил муддатга, бошланғич бадалсиз берилаяпти. Қисқаси, юртимиз банк тизимининг барқарорлиги аҳоли ҳаёт даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг банк тизимидан кўнгли тўқ, ишончи эса тобора мустаҳкамланиб бораяпти.

### Амалий учрашувлар самараси

Сўровда, шунингдек, республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида қабул қилинган ҳужжатлар ва бошқа тартиб-қоидаларни кенгроқ тушунтириш мақсадида ўтказилаётган амалий учрашувлар аҳамиятига ҳам алоҳида урғу берилди. Натижада республика Марказий банки томонидан Бош прокуратура, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилаётган учрашувлар юқори натижа бераётгани маълум бўлди. Аниқроғи, бу борада респондентларнинг 98,3 фоизи ўзининг ижобий баҳосини бериб, бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиш бўйича таклифлар билдирди.

— Бугунги кунда банкларимиз, том маънода, аҳолининг яқин ҳамкори ва молиявий кўмакчисига айланмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Андижон вилояти бўлими раҳбари Икром Валиев. — Вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Чунки бирор бир тадбиркор ёки ёш авлод вакили банклар фаолиятидан норози эмас. Бунда тизимни оқилона бошқариб келаётган Марказий банкнинг ўрни беқиёс, деб биламан. Чунки охирги йилларда тизим ўзининг иш фаолиятини тубдан ўзгартирди. Мутасадди ходимлар олис ҳудудларда, халқ орасида аҳоли билан юзма-юз туриб, мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказаяпти. Зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам бермоқда. Бундан кўринадики, банк тизими мижоз учун ишлаяпти. Глобал иқтисодий инқироз туфайли дунёнинг кўпгина банклари таназзулга юз тутаётган бир пайтда, аниқроғи, 2008 — 2015 йиллар мобайнида андижонлик тадбиркорларга қарийб 3 трлн. сўмликдан зиёд, вилоятнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга эса 2 трлн. сўмлик кредит ажратилгани диққатга сазовордир. Энг муҳими, "Ишлайман, тадбиркор бўламан", деганлар учун кредит олиш тартиблари соддалаштириб қўйилди. Бунинг учун керакли ҳужжатлардан ташқари, кредит таъминоти бўлса, кифоя. Ишончли ва кафолатли мижозлар эса янада қадрланади.

Мисол учун, Қўрғонтепа туманидаги "Шоирабону — 78" масъулияти чекланган жамияти молия муассасаси томонидан берилган 50 млн. сўмлик кредит эвазига трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, жамият банкнинг яна 350 млн. сўмлик кредити билан фаолиятини бундан-да ривожлантириб олди. Айни пайтда унинг йиллик товар айланмаси 2 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этиб, маҳсулотларининг асосий қисми экспортга чиқарилаяпти. Корхонада коллежларни битирган 120 нафар ёш-йигит қиз меҳнат қилмоқда. Демак, кредитдан тўғри фойдаланса, тадбиркор, албатта, ўз мақсадига эришаркан. Қисқаси, 2015 йилда банклар вилоятимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва аҳолини иш билан таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Сўров натижаларидан маълум бўлдики, юртимиз банклари фаолиятига хорижликлар ҳам илиқ фикр билдиришган. Буни унда қатнашган чет эллик инвесторларнинг барчаси "Ўзбекистон банк тизимида сармоядорларга кенг имкониятлар яратилган, банкларга бўлган ишончимиз юқори", деган жавобни берганидан ҳам билиб олиш мумкин.

"Банк тизимининг 2015 йилги фаолиятига қандай баҳо берасиз?" деган якуний саволга эса респондентларнинг 98,8 фоизи ислоҳотлар кутилган натижани бераётганини қайд этишди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Хулоса ўрнида айтганда, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижаси шуни кўрсатдики, унинг иштирокчилари мамлакатимиз банк тизимининг амалий ёрдами туфайли кутилган муваффақиятларга эришганликларини алоҳида эътироф этишмоқда. Аҳоли ҳамда тадбиркорлар банк тизимининг ҳозирги фаолиятидан мамнун. Бу тизимда давлатимиз раҳбарининг соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилган Фармон ва қарорлари, дастурлар, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган бошқа ҳужжатлар ижроси ўз вақтида, изчиллик билан, сифатли бажариб келинаётганлигини, аҳолининг банкларга бўлган ишончи янада ортаётганлигини яна бир бор тасдиқлаяпти. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили амалда ўзини тўлиқ оқлаяпти.

Энг муҳими, бундай сўровлар таҳлили тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда банк тизими иштирокини янада кенгайтириш учун асосли хулосаларни ишлаб чиқиш ҳамда улардан келгусида унумли фойдаланишга хизмат қилиши билан ғоятда аҳамиятлидир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 155 861 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5